



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 76 (12.137)

Баҳоси эркин нарҳда



**Мамлакатимизда  
анъанавий тарзда  
ўтказиб келинаётган  
Инновацион ғоялар,  
технологиялар ва  
лойиҳалар Республика  
ярмаркаси илмий-  
тадқиқот, тажриба-  
конструкторлик ва  
технологик  
ишланмаларни ишлаб  
чиқиш ҳамда уларни  
амалиётга жорий этишни  
рағбатлантиришга  
қўмаклашмоқда.**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ АСОСИДАГИ ЯНГИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ишлаб чиқаришнинг технологик даражасини янада ошириш, рақобатбардор ҳамда сифатли инновация маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларга чиқариш учун инновациялар ярмаркалари имкониятларидан фойдаланишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон қурилиш материаллари sanoati жадал модернизация қилинмоқда, — дейди ЎЗА муҳбири билан суҳбатда «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Эркин Акрамов. — Диверсификация даражасини ошириш, ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари турларини кенгайтириш, сифатли қурилиш материалларини экспорт қилиш ва ички бозорни улар билан таъминлаш мазкур соҳа олдида қўйилган муҳим вазифалардандир.

Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар I-III Республика ярмаркаларида «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси корхоналари томонидан қиймати 250,5 миллион сўмлик 3 та ахдлашув протоколи ва 10 та шартнома тузилди. Олти шартнома бўйича ишлар ни-

хоясига etkazилди, улар корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётди.

«Қувасойцемент» очик акциядорлик жамияти ва «Қизилқумцемент» акциядорлик жамиятида таркибида темир ва силикат бўлган компонент сифатида ноанъанавий хомашёдан фойдаланиш технологиясини жорий этиш лойиҳаси ишлаб чиқарувчилар ҳамда олимпиаданинг самарали ҳамкорлигига яққол мисол бўла олади. Ушбу лойиҳа самарадорлигини ошириш, ёқилги сарфини камайтириш ва тақчил таркибий қисмларни четдан олиб келишга тўлиқ чек қўйиш имконини бермоқда. Натичада цемент ишлаб чиқариш 310 минг тоннага кўпайди. Энергия ресурсларини сарфлаш миқдори анча камайди, ҳар йили 2 фоизгача газ иқтисод қилинмоқда. Яна шунини таъкидлаш кераки, йилгига қиймати 2 миллион 900 минг АҚШ долларига тенг таркибда темир моддаси бўлган компонентлар импортини камайтиришга эришилди.

Илгари четдан олиб келинган компонентларни фойдаланиш осон бўлган ва арзон маҳаллий хомашё билан алмаштириш йилгига 25,3 миллиард сўм маблағни тежаш имконини берди. Бугун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги «Стром» илмий-тадқиқот ва

тажриба марказининг ушбу инновацион ишланмалари «Охангаронцемент» ва «Бекободцемент» очик акциядорлик жамиятларида жорий этилмоқда. Бундан ташқари, мазкур инновацияларнинг иқтисодий самараси мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида лойиҳалаштирилаётган цемент заводларида ҳам янги технологиялардан фойдаланиш имконини бераётди.

Яна бир мисол. Тошкент кимё-технология институти «Тошкент қурилиш материаллари комбинати» очик акциядорлик жамияти учун тузилган шартномаларга мувофиқ, сопол қошнлар таркибига чинни тош массасини қўйиш ҳисобидан уларнинг сифатини яхшилаш бўйича қиймати 5 миллион сўм бўлган тадқиқотларни амалга оширди. Маҳаллий ресурслар асосида харидорғир қурилиш материаллари учун аралашмаларнинг мақбул таркиби ишлаб чиқилди.

Дастлабки уч ярмарка давомида бешта ишлаб чиқувчилар билан ҳамкорлик амалга оширилди, тузилган ўрта шартномадан умумий қиймати 85,5 миллион сўм бўлган саккизта «Стром» илмий-тадқиқот ва тажриба маркази томонидан бажарилди. Тўртинчи инновациялар ярмаркасида ушбу илмий муассаса томонидан қиймати 47,2 миллион сўмлик бешта шартнома имзоланди.

**(Давоми 3-бетда)**

## ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокими қарорига мувофиқ 2012 йил 18 апрель кунини соат 8.00 да Тошкент шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн саккизинчи сессияси ўтказилади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда:

- Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг бўшаб қолган сайлов округларида бўлиб ўтган депутатлар сайлови яқунлари тўғрисида;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси яқунлари тўғрисида;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги «2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида sanoatни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарорининг ижроси юзасидан Тошкент шаҳрида sanoatда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилash ва шу мақсадда инвесторларни жалб этган ҳолда жаҳон бозорида рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришга оид вазифаларнинг пойтахтдаги ижроси тўғрисида;
- Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида;
- Тошкент шаҳар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва хотин-

қизлар кўмиталари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида;

- Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2011 йил 18 октябрдаги «Тошкент шаҳрида 2012 йилда янги иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида»ги қарорининг ижроси;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳридаги минтақавий вакилининг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисидаги Қароридан келиб чиқадиган вазифаларнинг ижроси бўйича туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодийни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Бектемир ва Юнусобод туманлари ҳокимликларининг фаолияти тўғрисида;
- Тошкент шаҳрида қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишнинг 2011 йилдаги аҳоли тўғрисида Тошкент шаҳар прокурорининг ахбороти ва бошқа масалалар.

**ҚИСКА САТРАЛДАРДА**  
Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

- ✓ **КЕЧА** Республика мусика ва санъатга ихтисослаштирилган академик-лицейда «Мустақиллик ёшлари» номли концерт

дастури намойиш этилди.

- ✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ҳамкорлигида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида семинар ўтказилди.

- ✓ **КЕЧА** БМТ Тараққиёт дастури ва «Coca-Cola Foundation» жамғармаси ҳамкорлида муҳим ижтимоий аҳамиятга эга «Сувинг ҳар том-чиси кадрли» лойиҳаларини молиялаштириш учун грантлар дастурини амалга ошириш бошланганлигини маълум қилди.

- ✓ **ЭРТАГА** Маънавият тарғибот маркази Олмазор туман бўлими томонидан тумандаги 261-мактабда Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асарининг мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган давра суҳбати ўтказилади.

**Ўзбекистон ва Япония ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг Токиодаги элчихонасида тантанали кеча бўлиб ўтди. Япониянинг «ЈОМО» уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Кунчиқар мамлакат парламенти аъзолари, Гунма префектурасининг эксперт-таҳлил, жамоатчилик ва ишбилармон доиралари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашди.**

## ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Тадбир чоғида унинг иштирокчилари ўтган 20 йил мобайнида Ўзбекистон ва Япония ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасида эришилган муваффақиятлар билан атрафчилик танишдилар.

Тантанали маросим доирасида Ўзбекистоннинг замонавий иқтисодий, сармовий ва сайёҳлик салоҳияти тақдироти ҳам бўлиб ўтди. Шунингдек, «Навойи» эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди доирасидаги янги сармовий имкониятлар, ўзбек халқининг бой маданий ва тарихий мероси, мамлакатимизда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам маросим қатнашчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

Тадбирда сўзга чиққан **Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлари институтининг ижрочи директори Тецуки Танака** меҳмонларни дипломатия муносабатларининг 20 йиллиги ҳамда инсонпарварлик, поклик, гўзаллик, олижаноблик каби умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган баҳор ва янгилик байрами — Наврўзи олам билан табриклиди. Жорий йилнинг февралда Тошкентда бўлиб ўтган таълим бўйича халқаро конференциядаги иштироки хусусида тўхталар экан, Т.Танака мамлакатимизда янги авлодни тарбиялаш ва уларга бугунги давр талаблари даражасида таълим бериш борасида олиб борилаётган кенг миқёсли ислохотларнинг шахсан шохиди бўлганини қайд этди. Шу нуктаи назардан жамиятнинг янада демократлаштириш ва либераллаштириш, ҳар бир оила фаровонлигини ошириш ҳамда оналар ва болалар саломатлигини сақлаш тизимини такомиллаштиришда мамлакатимизда эълон қилинган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг ижроси алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

Япониянинг **Ўзбекистон Республикасидаги собик элчиси, Цукуба университети профессори Кончи Обата** Ўзбекистон халқи каби японлар ҳам оила фаровонлигининг аҳамиятига катта эътибор қаратишини айтди.

Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси сифатидаги иш тажрибасига таянган ҳолда К.Обата Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатдаги нуктаи назари тўғрисидаги ҳамда мамлакатимизнинг халқаро хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутганини қайд этди. Унинг айтишича, Ўзбекистон билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик Япония ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

К.Обата ўзбек халқини мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги билан табриқлар экан, ўзаро дўстона муносабатлар ва маданий алоқалар бундан кейин янада ривож топажгага умид билдирди.

**Чуо университети президентининг маслаҳатчиси ва ижрочи директори Мамору Окида** фикр билдирганидек, Ўзбекистонда жамият асоси бўлиши оила институти янада мустаҳкамлаш, унинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини қучайтириш, оиланинг жиҳсонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамиятини янада ошириш борасида олиб борилаётган ишлар мамлакатнинг янада гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик мавзусига тўхталар экан, М.Окида халқларимизнинг дўстона муносабатлари тарихи Буюк Ипак йўли даврига бориб тақалишини қайд этди. Ўзаро «алоқалар тобора ривожланиб келаётгани асносида улар тадрижий равишда стратегик ҳамкорликнинг сифат жиҳатидан янги даражасига кўтарилаётганини» айтди.

**Гунма префектураси ҳукуматининг сайёҳликка қўмаклашиш маркази бош директори Нобуо Миядзаки** таъкидлаганидек, Ўзбекистон ўзининг бетакрор қадимжолари билан ҳам дунёга машҳур бўлиб, мамлакатимиз бағрида 4 мингдан ортиқ тарихий ва маданий осори-атиқалар жойлашгани ва кўпгина тарихий ёдгорликлар ЮНЕСКО Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилгани хусусида атрафчилик тўхталди. «Бундай кўҳна ва бетакрор мероснинг мавжудлиги хорижий сайёҳлар эътиборини ўзига жалб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда», деди у.

Ўзбекистон халқига катта муваффақиятлар тилаган ҳолда Н.Миядзаки ўзбек халқининг маданияти, тарихи ва аъённалари билан яқиндан танишиш, республикамиз сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида мамлакатимизга сафар уюштириш истагида эканини маълум қилди.

«Жаҳон» АА  
Токио



## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Сардоба туманида Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини ўрганиш ва унинг мазмун-моҳиятини кенг оммага тарғиб этиш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Экология ва атраф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси ҳамда Экоҳаракат депутатлари гуруҳи томонидан чиқиндиларни қайта ишлаш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик, идоралар ва ташкилотлар ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари қатнашди.
- Тошкент давлат юридик институти ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва ушбу муассаса ҳузуридаги тадқиқот маркази ҳамкорлигида «Ўзбекистонда судьялар корпусини шакллантириш ва улар мустақиллигини таъминлаш: Концепцияда белгиланган устувор вазифалар» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.
- Урганч шаҳрида ҳудудий «Минитехнологиялар кўргазмаси» бўлиб ўтди. Замонавий ҳамда тежамкор минитехнологияларни олиб келиш, шу билан бирга, кўшимча иш ўринлари яратиш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда 15 дан ортиқ корхона ва ташкилот, 10 дан зиёд тижорат банклари ҳамда 2 та лизинг компанияси ўз хизматлари ва маҳсулотларини намойиш қилдилар. Кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразмдан 400 нафарга яқин тадбиркорлар қатнашди.

## ЖАҲОНДА

- АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида велосипед жамоат транспортга айланади, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Янги ишлаб чиқилган лойиҳага кўра, йўлларда кўшимча велосипед йўлақлари барпо этилиши, махсус светофорлар ўрнатилиши, велосипедларни ижарага бериш билан шуғулланадиган тўрт юзта пункт очилиши, шунингдек, турли бекатлар атрафида улар учун тўхташ жойлари қурилиши режалаштирилган. Шаҳар мэри Антонио Вилларайоснинг сўзларига кўра, ушбу лойиҳа ҳавога чиқарилаётган зарарли газлар миқдорини ҳамда йўллардаги тирбандликни анча камайтиради. Маълумот ўрнида шунини айтиш жоизки, Лос-Анжелес дунёда автомобиль ҳаракати энг серқатнов шаҳар ҳисобланади.
- Хитой ҳукумати мамлакатдаги темир йўллар узунлигини яна ўттиз минг километрга узайтириш ниятида. Мамлакат Темир йўллари вазирлигининг маълумотларига кўра, мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 700 миллиард АҚШ долларидан зиёд миқдорда маблағ сарфланиши режалаштирилмоқда. Хабарларга қараганда, айни вақтда мамлакатдаги жами темир йўллар узунлиги қарийб тўқсон минг километрни ташкил этади.
- Ҳиндистонда 90 нафар йўловчи мўлжалланган, авиаёқилғини кам сарфлайдиган ва ҳавога зарарли газларни кам чиқарадиган «NCA-90» самолёти ишлаб чиқарилади. Мамлакат Илм-фан ва sanoat тадқиқотлари бўйича кенгаши раҳбари Судип Кумарнинг айтишича, ушбу ҳаво транспорти соҳага оид энг замонавий электрон техника ва технологиялар билан жиҳозланади. Хабарларга қараганда, ушбу самолётни лойиҳалаштириш ва қуриш учун 871 миллион АҚШ доллари, уни ялпи ишлаб чиқариш учун эса 640 миллион доллар миқдорида маблағ сарфланади.







Ганчкорлик санъати ўзининг гўзал ва нафис безаклари билан кишини беихтиёр лол қолдиради.



Абдуғани Жумаев олган суратлар

«Камолот» ЁИХ марказий кенгашида «Оилада иқтидор тарбияси» мавзuida онлайн мулоқот бўлиб ўтди.

### ЁШЛАР КАМОЛОТИДА ОИЛАНING ЎРНИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг бошқаруви социологияси ва психологияси кафедраси мудири, психолог Эркин Сатторов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, шахмат шарҳловчиси Ақром Тошқужаев, жаҳон шахмат тожи соҳибби Рустам Қосимжоновнинг оила аъзолари, амрестлинг бўйича 7 карра жаҳон чемпиони, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳибби Мирзохид Шаропов, хонанда Гули Асалхўжаевалар иштирок этди.

боғлиқ савол-жавоблар воситасида қизгин мунозарага айланди. Маълумки, онлайн мулоқот ўқувчиларининг сони кун сайин ортиб бораётгани аини кунда бундай янги мулоқотга эҳтиёж ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, 5 апрель кунини юртимизда футболнинг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Баркамол авлодини тарбиялашда спортнинг ўрни» мавзuida 3 соат давом этган онлайн мулоқотга 500 дан ортик саволлар келиб тушган эди. Ушбу саҳифа бугунги кунга қадар 13,839 мартаба кўриб чиқилган. Утан 5 та мулоқотларга ташриф буюрган ўқувчиларнинг сони 100 миңдан ошди.

Инсон шахсиятининг ўзига хос илк белгилари оила муҳитида шаклланади. Энг юксак инсоний ҳис-туйғулар, бетақдор маънавият, иқтидор ҳам оила бағрида камол топади. Фарзандаги қобилиятни асраб-авайлаш, ривожлантириш нафақат ота-она, балки жамиятнинг ҳам бош мақсадидир. Бугунги кунда мамлакатимизда иқтидор ва истеъдод соҳибби бўлган ёшларга гамхўрлик кўрсатиш, ижод ва билим чўққиларини эгаллашлари кўмаклашиш, улардаги истеъдод ва интеллектуал салоҳиятини рўйбга чиқариши учун моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, адабиёт, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда ўз қобилиятини намойиш этаятган ёшларни рағбатлантириш, янги иқтидор қирраларини очиб, ёшлар орасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш бу галги онлайн мулоқотнинг асосий мақсадидир.

«Камолотда меҳмонда» лойиҳаси доирасида спортчилар ва интернет фойдаланувчиларнинг суҳбат жараёнида ҳаракатнинг www.kamolot.uz веб-сайтида олиб борилган мулоқот оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, спортнинг фарзанд иқтидорини юзага чиқаришдаги ўрни, иқтидор тарбиясида ота-онанинг роли, чемпионларни тарбиялаш сирлари билан

Бобомурод ИБРАГИМОВ, «Туркистон-пресс»

### Спорт янгиликлари

#### МЕЗБОН МАҚОМИНИ ОЛДИ

Футбол мухлисларининг ёнида бўлса, шахримиздаги «Пахтакор» стадиони бунёдкорлар томонидан таъмирланаётган эди.

Замоनावий қилиб қайта таъмирланган «Пахтакор» стадиони яна мухлисларни ўз бағрига чорлайдиган бўлди. Гап шундаки, Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан мамлакатимизнинг миллий терма жамоаси халқаро миқёсдаги ўзи мезбонлик қиладиган барча учрашувларни «Пахтакор» стадионида ўтказадиган бўлди.

Маълумки, 3 июнь кунини футбол бўйича жаҳон чемпионатига саралаш турнири ҳал қилувчи тўртинчи босқич дастлабки баҳслари бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон миллий терма жамоаси Эрон миллий терма жамоаси билан Тошкентда беллашади. Ушбу ўйин «Пахтакор» стадионида бўлиб ўтади.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси «Ҳаёт учун!» кўкрак беги саратони миллий уюшмаси ҳамда «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази билан ҳамкорликда «Ҳаёт учун футбол» акцияси «Жар» стадионида ўтказилади.

### ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Маълумки, 3 июнь кунини футбол бўйича 2014 йилда Бразилияда ўтадиган жаҳон чемпионати саралаш турнирининг тўртинчи босқич мусобақаларига старт берилади.

Унда қитъамизнинг ўн та энг кучли терма жамоаси жаҳон чемпионатига бериладиган йўлнамалар учун кескин кураш олиб боради. Жанубий Корея, Эрон, Қатар, Ливан билан бир гуруҳдан ўрин эгаллаган терма жамоамиз ҳам ҳозирданок ушбу турнирда жиддий тайёргарликни бошлаб юборган. Энди рақибларимизнинг саралаш турнири олдидан ўтказадиган ўртоқлик учрашувлари ҳақида икки оғиз сўз. Масалан, 3 июнь кунини Ўзбекистон терма жамоаси билан Тошкентда беллашадиган Эрон терма жамоаси ушбу ўйин олдидан БАА жамоаси билан ўртоқлик учрашувида куч синашса, Жанубий Кореяликлар жаҳон ва Европа чемпиони испаниялик чарм тўп усталари синовидан ўтишади.

### МУХЛИСЛАР МАМНУН БЎЛИШАДИ

Шунини қувонарлики, 23 апрель кунини уюштирилган ушбу акция доирасида эстрада ва кино юлдузлари терма жамоаси ҳамда «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази терма жамоаси ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтади. Учрашувини таниқли актёр Мурод Ражабов шарҳловчи сифатида шарҳлаб боради. Шу кунини стадионга келган мухлислар эстрада ва кино юлдузлари терма жамоаси сафида Жаҳонгир Фозилжонов, Адиз Ражабов, Алишер Узоқов, Жавлон Шодмонов, Равшан Ҳожиёв, Алишер Файз, Улуғбек Раҳматуллаев, Шохруҳон ҳамда «Сахро», «Зарба», «Уммон» гуруҳлари ўйинини кузатиш имкониятига эга бўлишади. Чипталар сотувидан тушган маблағлар кўкрак беги саратони билан хасталанган аёлларни даволашга, хайрия тadbирлари ва акциялар ўтказишга сарфланади.

Мамлакат XXI миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 4-тур баҳсларида қутилмаган натижалар қайд этилди.

### ЧЕМПИОН МАҒЛУБИЯТГА УЧРАДИ

Ушбу турда Наманганда «Навбахор» меҳмони бўлган амалдаги чемпион «Бунёдкор» қизқарди ва мурасиси кечган баҳсда 1:2 ҳисобида мағлубиятга учради ва муҳим уч очкодан маҳрум бўлди. Қолган учрашувлар қуйидагича яқунланди: «Пахтакор» — «Насаф» — 0:0, «Машъал» — «Олмалик» — 2:1, «Андижон» — «Динамо» — 0:3, «Кизилкум» — «Бухоро» — 1:0, «Шўртан» — «Металлург» — 1:2, «Локомотив» — «Нефтчи» — 1:1.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ



### МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

#### ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

Ўқимамай қўйган фикрлашдан ҳам тўхтайдми.

Жаҳолат дарахтида душманлик меваси етилади.

Бош бўлмаган оила тўзғийди.

Ялқов бахт қушини тутишга ҳам эринади.

Баъзи кишилар ипак куртига ўхшайди — ўзининг қўл-оёғини ўзи чирмаб ташлайди.

Йигит кишига зигирча омад ҳам керак.

Ўзидан ортмаганининг бировга фойдаси тегмайди.

Ҳасадгўйнинг ўзидан ўтар душмани йўқ.

Иши битганининг саломидан хомтама бўлма.

Йўғига қўз тиккунча борини эплаб ол.

Кўрнинг кўзи очилса ҳам, жоҳилники очилмайди.

Албатта, қаноат яхши, лекин у интилишларга тўсиқ бўладиган даражада бўлмаслиги керак.

Тасодифнинг манتيқий талқини йўқ.

Қалб гўзаллиги барибир тантана қилади.

Меъёрни билмагани ҳаётнинг ўзи қолипга солиб қўяди.

Ҳамма айтганинг бўлаверса, ҳаётнинг қизиги қолмайди.

Қўлидан иш келмаган шикоятга зўр беради.

Қадрини билган хор бўлмас.

Йиғлаб ўтказган кунни кулиб ҳам ўтказиш мумкин.

(Давоми бор) Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманида жойлашган «VILLGE FOOD» МЧЖнинг устав фонди 49905250 сўм миқдорига камайтирилмоқда.

Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида Навоий кўчаси, 7-уй манзили бўйича қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Мустақиллик кўчаси, 5-уй манзили бўйича рўйхатдан ўтган «Олий Қут ва Барака Зиёда таом» МЧЖнинг юмалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 18 апрель кунини ҳаво ўзгаришлари мониторинги бўлиб ўтди. 18 апрелда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига шикоят яратмади. Атмосферанинг ифлосланиши давомлашди. Ҳарорат кечаси 1-3 фойз пасайишга, кундузи — 29-31 да-

### РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилди!

дан 21.11.2011 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган Тошкент вилояти, Янгийул тумани, Самарқанд кўчасидаги 34-А уй қўйилмоқда. Умумий майдони 487,41 кв.м., бошланғич баҳоси 100 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 22 май кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади.

ЦИРК ШАРОДИЙ

Тошкент Оқшоми Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 ТЕЛЕФОНЛАР: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39 2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган